

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2



# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

## ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-2>

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Гулямов Сайдахрар**  
**Саидахмедович**  
академик

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Вохидова Мехри Хасановна**  
иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори

### ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

#### 08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.  
**Гафуров У.В.** - и.ф.д., профессор  
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент  
**Сайфуллаева М.**  
**Маматкулов И.А.**

**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics  
**Екатерина Геннадьевна Господарик** к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

#### 08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

**Салимов Б. Т.** - и.ф.д., профессор,  
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.  
**Худойкулов С. К.** - и.ф.н. доцент,  
**Валиев Б.** - PhD.  
**Сафарова Н.Н.**

**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

#### 08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

**Жиянова Н.Э.** - и.ф.н., доц.

#### 08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор  
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.

**Сардор Азам** - и.ф.д.  
**Вохидова М.Х.** - PhD.

#### 08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

**Гулямов С.С.** - академик  
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,  
**Каршиев М.Э.**

**Маматкулов И.**  
**Ғойипназаров С.Б.** - PhD  
**Кадилова З.А.** - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Dusmatov Begmuhammad, Dusmatova Ma'mura</b> INCREASING THE COMPETITIVENESS OF AIC AND ITS RELATIONSHIP WITH INNOVATIVE DEVELOPMENT.....	4
<b>2. Saidov Farrukh</b> BASIS OF DEVELOPMENT OF DIGITAL PLATFORMS INFRASTRUCTURE.....	12
<b>3. Safarov Bakhodirkhan, Barrayeva Shahriniso</b> PILGRIMAGE TOURISM - TRAVELERS AND PILGRIMNS RELIGIOUS, HISTORICAL PLACES, PERSONS KNOWING THEIR WAY OF LIFE.....	17
<b>4. Dusanov Salim</b> THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE EFFICIENCY OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE CONDITIONS OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY.....	22
<b>5. Kholmuratova Shakhnoza</b> THE ESSENCE OF THE QUALITY OF EDUCATION IN ECONOMIC DIRECTIONS AND ITS EVALUATION INTERNATIONAL METHODS.....	29
<b>6. Mamatkulova Shoirra</b> THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY AND NETWORKS IN LABOR MARKET DEVELOPMENT.....	36
<b>7. Norkulova Dilfuza, Jurakulov Khusen</b> IMPACT OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE ON THE ECONOMY OF OUR COUNTRY.....	41
<b>8. Khayitov Jamshid</b> THE ROLE OF IMPROVEMENT SERVICES IN REFORMING THE NATIONAL ECONOMY.....	46
<b>9. Babanazarova Sevara</b> INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL.....	51
<b>10. Usmanova Sabokhat, Gulyamova Nigora</b> PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	56
<b>11. Julieva Yulduz</b> PROMISING DIRECTIONS DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR.....	64
<b>12. Sattarova Nargiza</b> QUALITY OF TRADING SERVICES, THE STATE OF ITS MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND INFRASTRUCTURE IN CONTENT DEPENDENCIES.....	69
<b>13. To'raev Dilshod</b> WAYS TO REGULATE THE SECRET ECONOMY THROUGH TAXES.....	75

**Саттарова Наргиза Тохировна**


Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Менежмент” кафедраси ассистенти.

e-mail: nargiza19844@icloud.com

## САВДО ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ, УНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИКА БАЗАСИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАРКИБИГА БОҒЛИҚ

**For citation:** Sattarova Nargiza Toxirovna. QUALITY OF TRADING SERVICES, THE STATE OF ITS MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND INFRASTRUCTURE IN CONTENT DEPENDENCIES. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 2. pp.69-74

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8165931>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада савдо соҳасининг тарихий тараққиёти, жаҳон амалиётидаги савдонинг шакллари ва турларига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда барча тармоқлар каби савдо соҳаси тармоқлари ҳам инновацион ривожланиш йўлини бозорнинг барча элементлари орқали мувофиқлаштириш ҳамда соғлом рақобатни юзага келтиришни мақсад қилиб олган десак муболаға бўлмайди. Амалга оширилаётган устувор иқтисодий ислохотлар негизда вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар савдо хизматлари самарадорлигини оширишга, хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларининг вужудга келишига кенг имкониятлар очиб бериш, иқтисодий ўзгаришларнинг ҳозирги босқичидан асосий мақсад савдо корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни яратиш, белгиланган мақсадларнинг мураккаблиги мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида тармоқнинг бозор механизмида асосий бўғинга айланиб бораётган савдо хизматлари деган тушунчанинг моҳияти ва мазмунини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақоланинг асосий мақсади сифатида ўрганилган.

**Калит сўзлар:** савдо, савдо соҳаси, савдо жараёни, бозор, талаб, таклиф, баҳо, рақобат, товар, пул.

**Sattarova Nargiza Toxirovna**

Assistant of the Department of Management of  
Samarkand Institute of Economics and Service.

## QUALITY OF TRADING SERVICES, THE STATE OF ITS MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND INFRASTRUCTURE IN CONTENT DEPENDENCIES

### ABSTRACT

This article is devoted to the historical development of trade, forms and types of trade in world practice. Today, it would not be an exaggeration to say that trade industries, like all industries, strive

to coordinate innovative development paths through all elements of the market and create healthy competition. New economic relations, emerging on the basis of priority economic reforms, open up wide opportunities for improving the efficiency of trade services, the emergence of forms and methods of service, the main goal of the current stage of economic transformation is to create favorable conditions for the efficient operation of trade enterprises, the complexity of the goals set for an independent business owner. The main purpose of the article is to comprehensively study the essence and content of the concept of trade services, which become the main link in the market mechanism of the network as a subject.

**Key words:** trade, trade sector, trade process, market, demand, supply, price, competition, product, money.

**Саттарова Наргиза Тохировна**

ассистент кафедры «Менеджмент»

Самаркандского института экономики и сервиса.

## КАЧЕСТВО ТОРГОВЫХ УСЛУГ, СОСТОЯНИЕ ЕЁ МАТЕРИАЛЬНО - ТЕХНИЧЕСКОЙ БАЗЫ И ИНФРАСТРУКТУРЫ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СОДЕРЖАНИЯ

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена историческому развитию торговли, формам и видам торговли в мировой практике. Сегодня не будет преувеличением сказать, что торговые отрасли, как и все отрасли, стремятся координировать пути инновационного развития через все элементы рынка и создавать здоровую конкуренцию. Новые экономические отношения, складывающиеся на базе приоритетных экономических реформ, открывают широкие возможности для повышения эффективности торговых услуг, появления форм и методов обслуживания, главной целью современного этапа экономических преобразований является создание благоприятных условий для эффективной деятельности торговых предприятий, комплексность поставленных целей для самостоятельного владельца бизнеса. Основная цель статьи - всесторонне изучить сущность и содержание понятия торговых услуг, которые становятся основным звеном рыночного механизма сети как субъекта.

**Ключевые слова:** торговля, торговый сектор, торговый процесс, рынок, спрос, предложение, цена, конкуренция, товар, деньги.

### Кириш

Савдо соҳасининг тарихий тараққиёти шуни кўрсатадики, жаҳон амалиётида савдо бир-биридан фарқланадиган ҳар хил шаклларга ва турларга бўлинади. Мулк шаклидан келиб чиқиб, ҳалқаро тажрибага кўра, савдо хусусий, жамоавий тадбиркорлик, яқка тадбиркорлик, давлат ва аралаш шаклларга бўлинади. Сотиладиган товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга қараб силжиш нуқтаи назаридан улгуржи ва чакана савдога, ҳудудий ташкилланиш жиҳатидан эса ташқи ва ички савдога бўлинади. Шунингдек, савдо бу бозор иқтисодиётининг таркибий ажралмас қисми ҳисобланади ва бунда у «Бозор»нинг муҳим соҳаси сифатида истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга олди-сотди жараёни орқали етказишдек мукамал функцияни (савдо хизматларини амалга оширади) бажаради. Шундай экан, савдо жараёнида бозорнинг барча элементлари яъни талаб ва таклиф, баҳо иштирок этиб, рақобат орқали бу элементлар фаолияти мувофиқлаштирилади.

Ушбу жараёнда савдо хизматлари иқтисодиётининг кўпгина тармоқлари ва ҳар хил истеъмолчилар билан иқтисодий алоқага чиқади. Бунда ўзининг савдо бошқарув ташкилий тузилмаларини тузади, савдонинг турлари (улгуржи, чакана каби) ва шахобчалари асосида ҳар хил воситачиликни амалга оширади. Бу жараёнда аҳолига товар сотиш билан бир қаторда товарларни уйларига етказиш, истеъмолни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган хизматлар ҳам амалга оширилиши билан бирга савдога хос тадбиркорлик ривожланади, алоҳида воситачилар

гурухи вужудга келади ҳамда молиявий субъектлар билан алоқалар ўрнатилиб, иқтисодий-молиявий механизмлар такомиллаштирилади.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Савдо хизматларининг ривожланиши уларнинг бозор иқтисодиётида тутган ўрни жуда кўп турли тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, П. Самуэлсон, Ф.Котлер, Ф. Панкратова, К. Ранцкий, А. Фридман каби етакчи олимлар савдода самарадорликни ошириш ва бунга эришишда турли хил моделларни таклиф этишган. Ўзбекистонлик олимлардан Б.Абдукаримов, М.Пардаев, И.Иватов, Қ.Ж.Мирзаев каби олимлар савдо хизматларининг эволюцияси ҳамда замонавий бозор муносабатларида савдони ривожлантириш муаммолари бўйича чуқур тадқиқотлар олиб боришган.

Россия иқтисодчи олимлар жамоаси томонидан, профессор Б.А.Райзберг раҳбарлигида чоп этилган «Курс экономика» дарслигида (М.«ИНФАРМ», 1997. 74 - 96 бетлар) иқтисодиётни қонуниятлари тўғрисида фикр юритилиб қуйидагилар бозор иқтисодиётига мос қонунлар сифатида келтирилган: эҳтиёжларни юксалиб бориши қонуни; ресурсларни чегараланганлиги қонунлари; ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси ва алмаштирилган харажатларни ортиб бориш қонуни (бу ерда «алмаштирилган» деган сўз «вмененных» сўзини таржимаси сифатида муаллиф томонидан ишлатилмоқда ва бу ерда бир товарни ишлаб чиқаришни иккинчиси билан алмаштиришга боғлиқ бўлган харажатлар назарда тутилмоқда); даромадларни камайиб бориш қонуни; доирадаги (чегарали) фойдалиликни камайиб бориши қонуни; фойдалиликни максималлаштириш қонунлари (бу ерда «Фойдалилик» маҳсулот (товар ёки хизмат)ни инсон эҳтиёжини қондира олиш салоҳияти (қобилияти) назарда тутилади); талаб қонуни; таклиф қонуни; пул муомаласи қонуни; Энгел қонуни – шахсий истеъмол таркибини даромадга боғлиқлиги.

А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевлар «Бозор иқтисодиёти» луғат–маълумотномаларида (Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти. 1991) бозор иқтисодиёти қонунларига талаб ва таклиф қонуни ва пул муомаласи қонунини киритиш билан чегараланган. А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг «қонунларни умум иқтисодий ва айрим иқтисодий тизимларга хос маҳсул қонунларга ажратилиб, биринчисига – меҳнат тақсимоли, жамғариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, эҳтиёжларнинг юксалиш қонунлари, иккинчи типига – талаб қонуни, таклиф қонуни, меъёрий нафлик қонуни, рақобат қонунлари келтирилади. Иккинчи типдаги қонунлар бозор иқтисодиётига мос қонунлар деб таъкидланади. Ш.Шодмонов, Р.Алимов ва Т.Жўраевларнинг «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида Иқтисодий қонунларни 3 гуруҳга бўлиб, уларга: Умумий иқтисодий қонунлар – вақтни тежаш қонуни; эҳтиёжларни тез ўсиб бориш қонуни; такрор ишлаб чиқариш қонуни; ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар хусусияти ва ривожланиш даражасига мос келиши қонуни ва бошқаларга тарифлар келтирилган.

### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқотда оила фаровонлигини таъминлашда шарқ мутафаккирларининг иқтисодий тарбияга оид турли хил ёндошувлар умумлаштирилган ҳолда ўрганилди. Бунда синергетиканинг методологик имкониятларидан фойдаланилиб, таҳлил объектлари қиёсий ўрганилди, гуруҳлаштирилди ва тизимлаштирилди, ҳамда хулосалаш асосида амалиётда яхлит қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Синергетика методларини хизмат кўрсатиш соҳаларини тадқиқ этишда қўллаш унинг амалий аҳамиятини оширади. Мазкур ишда шу принципга асосланиб иш кўрилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, савдога хос инвестициялар, ахборот технологияларининг ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Натижада савдо тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келади. Бу борада Республикамизда ҳам иқтисодиёт тараққиёти билан бевосита боғланган савдо хизматларини тизимини шакллантириш зарурияти мавжуд. Ушбу зарурият қуйидагиларда ўз аксини топади:



- биринчидан сифатли савдо хизматлари орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялайди.
- иккинчидан инсонларни юқори даромад олишга ундайди яъни “юқори даромад – юқори савдо кафолати” тамойили асосида ишлайди.
- учинчидан сифатли маҳсулотни савдога чиқариш инсонни узоқ умр кўришнинг гарови эканлигини таъкидлайди;
- тўртинчидан юқори сифатли савдо хизматларни давлат бюджети тўлдирилиши муҳим асоси эканлигини ифодалайди;
- бешинчидан савдо хизматлари оқилона ташкил этиш республика аҳолисини иш билан таъминланиши муҳим асос эканлигини белгилашдан иборат;


Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиши шароитида амалга оширилаётган янги устивор иқтисодий ислохотлар савдо хизматлари самарадорлигини оширишда янги иқтисодий муносабатлар ва унинг янги замонавий шакллари ва усулларининг (“интернет савдоси” “онлайн савдо”) вужудга келишига кенг имкониятлар очиб беради. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, техника ва технологияларнинг ривожини, хусусан, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириши билан бирга аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳам юксалиб боришига хизмат қилиши ҳам савдо хизматлари билан бевосита боғланган. Маълумки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилган. Республикамиз иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган савдо хизматлари соҳаси тизимли шакллантириш янги иқтисодий имкониятларни вужудга келтиради.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб иқтисодий ўзгаришларнинг ҳозирги босқичидан асосий мақсад савдо корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади. Белгиланган мақсадларнинг мураккаблиги мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида тармоқнинг бозор механизмида асосий бўғинга айланиб бораётган савдо хизматлари тушунчанинг моҳияти ва мазмунини ҳар томонилама чуқур ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Маълумки, савдонинг келиб чиқиши ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида товар ишлаб чиқаришни ва товар муомаласи, айрибошлашни вужудга келиши билан боғлиқ. Савдо хизматлари – истеъмол товарлари бозорининг асосий сегменти ҳисобланади. У жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатади. Унинг воситасида аҳоли ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар у ёки бу товарларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиради. Бу ерда сотувчилар билан истеъмолчилар ўртасида олди-сотди муносабатлари юз беради: пул эгаси товар олса, товар эгаси пул олади.

Савдо хизмати инсонлар ҳаётини яхшилашга, аҳолининг бандлигини таъминлашга, даромадларини ошириш орқали уларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилганлиги билан изоҳланади. Шу сабабли аҳолининг турмуш шароити сифатини оширишда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган савдо соҳасининг аҳамияти бекиёсдир. Энг муҳими унинг тараққиёти истеъмолчиларнинг ҳам талаб ва эҳтиёжларига бевосита таъсир кўрсатади. Бундай шароит савдо корхоналарининг хизматлари сифатини тобора ошириб боришда муҳим аҳамият касб этади. Савдо хизматлари сифати, унинг моддий техника базасининг ҳолати ва инфратузилмаси таркибига боғлиқ. Республикада савдо моддий техника базасининг ҳолати ва инфратузилмасини янада такомиллаштириш учун етарлича салоҳият мавжуд. Ҳар бир савдо корхонасида хизматларнинг иқтисодий ҳолатини, у билан таъминланганликни ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим ижтимоий иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир савдо корхонасининг бойлиги жамият бойлигининг бир қисми сифатида унга ҳеч кимнинг бепарқ бўлишига ҳаққи йўқ. Шу туфайли, мулк шаклидан қатъий назар, савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили савдонинг асосий қисмини ташкил қилмоғи лозим. Савдо хизматларининг тизимли шакллантирилишидаги ишлаб чиқаришга боғлиқлиги нуктаи назардан корхоналар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган вазифалар қуйида акс эттирилган (1-расм).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, савдо хизматларининг энг муҳим вазифалари сифатида ишлаб чиқариш корхоналарини харидорлар билан алоқа қилишини таъминлаш, буюртмалар тизими асосида ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштириш ва режалаштиришни

енгиллаштириш, оптимал товар захирасини шакллантириш, истеъмолчилар эҳтиёжлари тўғрисида ишлаб чиқарувчига маълумот бериш ва ишлаб чиқариш корхонасининг бир маромда ўсишини таъминлаш имконияти яралади ва юқори иқтисодий натижадорликни таъминлайди.



**1-расм. Корхоналарда ишлаб чиқариш боғлиқлиги нуқтаи назардан савдо хизматларининг вазифалари**

Шунингдек савдо хизматларини тизимли шакллантиришда муҳим ҳисобланган. Савдо хизматларининг истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш нуқтаи назардан вазифалари кўйилди ва улар илмий асосланган. Савдо хизматларининг истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш режалаштириш, истеъмолчилар истакларига асосланган ҳолда корхона маҳсулотлари оптимал ассортиментини шакллантириш, маҳсулотларнинг рекламасини амалга ошириш ва бозорлар тўғрисида маълумот йиғиш каби жуда муҳим вазифаларни амалга ошириш имкон яратади.

## Иқтибослар/Сноски/References

1. «Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июльдаги қарори. / Ҳалқ сўзи 37-сон.
2. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. // Ғ.Ҳ.Қудратов, Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, А.Бектемиров, Ш.А.Султонов, Ф.Б.Абдукаримов, У.Н.Нормуродов, З.С.Артиков, О.М.Пардаева, Ш.Ш.Негматова; // И.ф.д., профессор М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ» нашриёти, 2016. – 430 бет.
3. Самуэльсон П., «Экономика» Т., ИАНО, «АЛГОН» ВНИИСИ, 1992, с.36.
4. Котлер Ф. «Основы маркетинга». М., Прогресс, 1990 с. 54
5. Макконелл К.р., Брю С. А. Экономикс: принципы, проблемы и политика. М., республика. 1992.т.1.с.77.
6. Усмонов А.С. Научные основы регулируемых рыночных отношений. Тошкент: PLSHTLI «Ўзинфорогпром». 1992. с. 30.



7. Sattarova N. The emergence of the competence approach in the educational system and its importance today //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. В5. – С. 318-321.
8. Tokhirovna S. N. Improving The Economic Mechanisms Of State Regulation And Support Of Trade Services //International Journal on Integrated Education. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 450-454.
9. Sattarova N. Foreign experience in the development of commercial services //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. А8. – С. 240-246.
10. Саттарова Н. Т. Савдонинг вазифаси ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани боғлашдан иборатдир //Журнал Инновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 2.

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000